

ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛАДИГАН ЕРЁНҒОҚДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРКУНАНДАЛАР ТУР ТАРКИБИ ВА ТАРҚАЛИШИ

Сатторов Асқар Бутаёрович,

б.ф.н. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ Сурхондарё минтақавий филиали катта илмий ходим.

Хўжаев Мансур Мустафо ўғли,

Магистр, стажер тадқиқотчи.

Донёров Мансур Алишер ўғли,

ТАИРИ магистр.

Аннотация: Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятининг Денов, Қумқўрғон, Ангор туманлари шароитида ерёнғоқ экиннинг асосий зараркунандалари ва уларнинг экин майдонларида учраш даражалари бўйича тадқиқотлар натижалари ёритилган. Илмий изланишлар натижасида ерёнғоқда 7 та оилага мансуб 12 турдаги сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалари учраб, нисбатан кўп учраган турлари сифатида ўргимчаккананинг *Acariphormes* туркуми *Tetranychidae* оиласига мансуб *Tetranychus Urticae* Koch. тури минтақанинг ҳар учала зонасида ҳам кўп тарқалиши қайд этилди.

Калим сўзлар: Ерёнғоқ, зараркунанда, *Tetranychus Urticae* Koch, *Agrotis segetum* Den. et Schiff, *Aphis gossypii* Glov.

Аннотация: В данной статье освещены результаты исследований основных вредителей посевов арахиса и их встречаемость на посевных площадях в условиях Деновского, Кумкурганского, Ангорского районов Сурхандарьинской области. В результате научных исследований в арахисе обнаружено 12 видов сосущих и грызунов-вредителей, относящихся к 7 семействам, а наиболее распространенным видом паутинного клеща является *Tetranychus Urticae* Koch, относящийся к семейству *Tetranychidae* семейства *Acariformes*. виды были широко распространены во всех трех зонах региона.

Ключевые слова: Арахис, вредитель, *Tetranychus Urticae* Koch, *Agrotis segetum* Den. et Schiff, *Aphis gossypii* Glov.

Abstract: In this article, the results of research on the main pests of peanut crops and their occurrence in cultivated fields in the conditions of Denov, Kumkurgan, Angor districts of Surkhandarya region are highlighted. As a result of scientific research, 12 types of sucking and rodent pests belonging to 7 families were found in peanuts, and *Tetranychus Urticae* Koch, belonging to the family *Tetranychidae* of the family *Acariphormes*, is the most common type of spider mite. species were widely distributed in all three zones of the region.

Key words: Peanut, pest, *Tetranychus Urticae* Koch, *Agrotis segetum* Den. et Schiff, *Aphis gossypii* Glov.

Кириш: Сурхондарё вилояти шароитида ерёнғоқда учрайдиган зараркунандалар тур таркиби, тарқалиши ва доминант бўлган зараркунанда турларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Сурхондарё вилояти тупроқ иқлим шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун қулай бўлиб, мавсумда икки ҳатто уч марта ҳосил олиш имконини беради. Шу сабабли вилоятда ғалла йғим теримидан сўнг такрорий экин сифатида қарийиб 60-65 минг гектар майдонда турли экинлар экиб парваришланади. Ушбу экинлар орасида ерёнғоқ асосий майдонларни эгаллайди. Демак, ерёнғоқдан юқори ҳосил ва даромад олиш деҳқонлар манфаатдорлигини оширади. Бу нимага боғлиқ, аввалом бор сифатли уруғ, юксак агро-техника ва албатта уни зарарли организмлардан самарали ҳимоя қилиш керак бўлади. Уйғунлашган ҳимоя қилишда юқори самарадорликка эришиш учун муайян экиннинг хавфли зарарли организмлари тур таркиби, биоэкологияси, зарари тўғрисида маълумотга эга бўлиш зарур. Шу нуқтаи назардан ушбу экинларда учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби, биологияси, морфологиясини ўрганиш мақсадида, такрорий экин сифатида экилиб келинаётган ерёнғоқ экинида тажрибалар ўтказишни туманлар кесимида Денов, Қумқўрғон, Ангор туманларида мониторинг ишларини олиб бордик. Ўрганишлар давомида кунлик мониторинг натижаларини дала дафтарига тушириб бордик, мавсум якунида олинган натижаларни умумий жадвалга тушириб

ушбу ўсимликда учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркибини ўргандик.

Тадқиқот услублари: Тадқиқотларимиз 2022 йил Сурхондарё вилоятининг Денов, Қумқўрғон, Ангор туманларида ерёнғоқ экилган майдонида ўтказилди. Бунда мавсум давомида кузатишлар олиб борилиб, ерёнғоқ экинида учрайдиган асосий зараркунандалар турлари аниқланди ва систематик таҳлил этилди. Тадқиқотларни бажаришда Ш.Т. Хўжаев (2014), В.В. Яхонтов (1962) ларнинг илмий манбаларидан фойдаланилди. Ушбу давр мобайнида барча агро-техник тадбирлар ҳам ҳисобга олиниб борилди. Қайд этилган зараркунандалардан намуналар йиғилиб, лаборатория шароитида улардан коллекциялар тайёрланди.

Тадқиқот натижалари: Олинган якуний натижалар жадвалда келтирилди. Унга кўра такрорий экин сифатида экилган ерёнғоқда 7 та оилага мансуб 12 та тур зараркунандалар учради. Вилоятимизда кенг тарқалган ўргимчаккананинг *Acariphormes* туркуми *Tetranychidae* оиласига мансуб *Tetranychus Urticae* Koch. тури минтақанинг ҳар учала зонасида ҳам кўп тарқалиши қайд этилди. Ушбу маълумотларни жадвал асосида шакллантириб ўрганилиб борилди.

Ушбу туркум ва оилага мансуб *Agrotis segetum* Den. et Schiff (кузги тунлам) тури эса ҳар учала зонада бир хил, яъни ўртача тарқалганлиги аниқланди.

Hemiptera туркуми *Miridae* оиласига мансуб *Creontiades Pallidus* Rambur (ғўза қандаласи) тури тарқалганлиги, *Lygus*

**Ерёнғоқда учрайдиган зараркундалар тур таркиби
(2022-й)**

№	Зараркундалар номи	Тур номи	Оиласи	Туркуми	Туманлар кесимида тарқалиши		
					Денов	Қумқўрғон	Ангор
1	Ўргимчаккана	<i>Tetranychus Urticae Koch</i>	Tetranychidae	Acariphormes	+++	+++	+++
2	Ўза қандаласи	<i>Creontiades Pallidus Rambur</i>	Miridae	Hemiptera	+++	+++	+++
3	Дала қандаласи	<i>Lygus pratensis L</i>	Miridae	Hemiptera	+	+	+
4	Беда қандаласи	<i>Adelphocoris Lineolatus Goeze</i>	Miridae	Hemiptera	+	+	+
5	Трипс	<i>Thrips tabaci Lind</i>	Thripidae	Thysanoptera	++	++	++
6	Полиз шира	<i>Aphis gossypii Glov</i>	Aleyrodidae	Homoptera	+	+	-
7	Оққанот	<i>Bemisia tabaci Gen</i>	Aleyrodidae	Homoptera	+	+	+
8	Ўза тунлами	<i>Helicoverpa (Heliothis) armigera Hb</i>	Noctuidae	Coleoptera	++	++	+
9	Карадрин	<i>Spodoptera exigua Hb</i>	Noctuidae	Coleoptera	-	+	+
10	Кузги тунлам	<i>Agrotis segetum Den. Et Schiff</i>	Noctuidae	Coleoptera	++	++	++
11	Симкурт	<i>Agrotis meticoloses Cond</i>	Elateridae	Coleoptera	+	+	+
12	Ғовак хосил қилувчи пашша	<i>Phytomyza atricornis Mg</i>	Agromyzidae	Diptera	+	+	+

Изоҳ: Зарарлаш даражаси - (+++) кўп, (++) ўртача, (+) кам

pratensis L (дала қандаласи) ва *Adelphocoris Lineolatus Goeze* (беда қандаласи) турлари аксинча кам тарқалганлиги аниқланди.

Шунингдек, Homoptera туркуми Aleyrodidae оиласига кирувчи *Aphis gossypii Glov* (полиз шира) *Bemisia tabaci Gen* (Оққанот), Elateridae оиласига мансуб *Agrotis meticoloses Cond* (симкурт) ва Diptera туркуми Agromyzidae оиласига тегишли *Phytomyza atricornis Mg* (ғовак хосил қилувчи пашша) турлари ҳам кузатишлар натижасида жуда кам аниқланди.

Thysanoptera туркуми Thripidae оиласига мансуб *Thrips tabaci Lind* (трипс) тури ўртача тарқалганлиги аниқланди.

Кемирувчи зараркундалар мониторинг қилинганда қуйидагилар аниқланди.

Coleoptera туркуми Noctuidae оиласига кирувчи *Helicoverpa*

(*Heliothis*) *armigera Hb* (ўза тунлами) тури шимолий (Денов) ва ўрта (Қумқўрғон) зоналарида ўртача миқдорда аниқланган бўлса жанубий (Ангор) зонасида кам кузатилди. *Spodoptera exigua Hb* (карадрин) тури эса ҳар учала зоналарда ҳам бир хил яъни кам миқдорда аниқланди.

Хулоса: Хулоса шуки, Сурхондарё вилояти ҳудудида ерёнғоқ экин зараркундалари орасида ўргимчаккананинг Acariphormes туркуми Tetranychidae оиласига мансуб *Tetranychus Urticae Koch* тури минтақанинг ҳар учала зонасида ҳам кўп тарқалиши қайд этилди. Кузатишлар натижасида 6 та туркум, 7 та оилага мансуб 12 та тур кемирувчи ва сўрувчи зараркундалар учради. Тадқиқот йилида кузатилган тажриба майдонидаги экинларда учраган зараркундаларнинг ҳосилга салбий таъсири юқори бўлиши аниқланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бей-Биенко Г. Я. Общая энтомология. 3-е изд., доп. - М.: Высш. Школа, 1980.-416 с.
2. Хўжаев Ш. Т. Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, ҳамда агротаксикология асослари. - Тошкент, 2014.- 214б.

ИССИҚХОНАДА ОҚҚАНОТГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛГАН ИНСЕКТИЦИДЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Шодмонов Давронжон Шермамат ўғли,
Арифов Сарвар Хасанович,
Исаков Шахриёр Бахтиёр ўғли,
Ахмедова Мухлиса Исроилжон қизи,
Убайдуллаев Отабек Фарход ўғли,

Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси

Аннотация. Мақолада иссиқхонада оққанотнинг ривожланиши унинг келтирадиган зарари ҳамда янги препаратларнинг биологик самарадорлиги бўйича олинган натижалар ва тавсиялар келтирилган

Аннотация. В статье дан обзор вредоносности и развитие тепличной белокрылки а также биологическая эффективность применение препарата имидор, и поло против тепличной белокрылки в закрытом грунте.

Annotation. The article presented an overview about the harmfulness and the development of a greenhouse whitefly and biological effectiveness of the usage of preparations as imidor and Polo against a greenhouse whitefly under the greenhouse conditions.

Калит сўзлар: иссиқхона, помидор, оққанот, инсектицид, акарицид, биологик самара, препарат.

Кириш. Сабзавотлар - инсон саломатлиги, унинг иш қобилиятини яхшилаш ҳамда умрини узайтиришга хизмат қиладиган бекиёс озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланганлиги сабабли, республикаимизда уларни етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда помидор асосий сабзавот экинларидан ҳисобланиб, сабзавот экинларини етиштиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Помидор мевалари таъми, парҳезлик сифатлари юқори бўлганлиги сабабли биологик фаол моддалару антиоксидантларнинг муҳим манбаасидир ҳамда инсон организмни руҳий зўриқишида оксидланишдан ҳимоя қилади, қариш жараёнларининг олдини олади.

Иссиқхонада етиштирилаётган помидор асосан шира, трипс ғовак ҳосил қилувчи пашша, тунламлар билан бир қаторда оққанот билан ҳам кўп зарарланади. Оққанот асосан баргнинг ёритилмаган пастки қисмига ёпишади. Етук зотлари умуман ўсимликларни бевосита зарарламайди. Уларнинг вояга етганлари 2-3 кун ичида қўшилади ва тез-тез бир ўсимликдан бошқа ўсимликка учиб ўтади.


Оққанотнинг урғочилари 20-28 кун яшайди ва 150-300 тагача тухум қўяди. Тухумларни ёш баргнинг пастки қисмига, 10-20 дондан тўп-тўп қилиб қўяди. Вояга етган ҳашарот ва уларнинг тухуми қисқа муддатли (-13°С гача) ҳарорат пасайишига кам чидамли бўлади. Ҳаво ҳарорати 30°С бўлганда урғочилари 9-11 кун яшаса, эркеклар улардан 2-3 марта кам муддат яшайди. Колонияда одатда оққанотнинг ҳамма ривож-

ланиши фазаларидаги вакиллари мавжуд бўлади. Ўсимликни асосан уларнинг личинкалари (ҳамма ёшида) зарарлайди.

Личинкалардан ажралиб чиққан шира «ёпишқоқ модда» барглари ва меваларни ифлосланишига олиб келади. Бу ширада сапрофит замбуруғлар ривожланиб, барг ва меваларнинг усти қора курум билан қопланади. Натижада фотосинтез жараёни сустлашиб, ҳатто ўсимлик нобуд бўлиши ҳам мумкин. Иссиқхона оққаноти тропик тур бўлиб, асосан ҳимояланган майдонда эрта баҳордан кеч кузгача ривожланади. Ўзбекистон шароитида очик майдонда ҳам тарқалиб итузумдошлар ва қовоқдошлар оиласи вакиллари кучли зарарлайди. [1. 2.]

Иссиқхонада етиштирилаётган экинлардан юқори ҳосил олиш учун касаллик ва зараркунандаларига қарши ўз вақтида курашиш асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Иссиқхона оққанотига қарши янги препаратларнинг (имидор, 20% с.к., (Щелкова Агрохим) поло, 50 % с.к.) биологик самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар "Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар" [3] асосида олиб борилди. Бунда ҳар бир вариант 3 қайтариқдан бўлиб, ҳашаротнинг 1м² даги ўртача сони ҳисобланди. Кузатувлар препарат сепилиши олдида ва ундан кейин 1; 3; 7 ва 14 кунлари ўтказилди. Ишчи суюқлик 1000 л ҳисобида олиниб, препаратларнинг биологик самарадорлиги эса Аббот (1925) формуласи асосида ҳисобланди.



Расм. Оққанотга қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги.